



**"КамчикавтоЮЛ" ИЙФУКинг умумий фойдаланишдаги  
автомобиль йүлларини кишихи саклаш ишларига 2022 йил 1-чораги учун  
ХАРАЖАЛЛАР СМЕТАСИ**

ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

№	Корхона иоми	км	Бүлүм ва кичик бүлүм	Боб	Тоифа	Молда ва кичик молда	Элемент	2022 ийл 1- чөрөг рөсөс.	I-нөхөн		Минт.СҮМ
									Жами	Зарын	
<b>IV ГУРХА ХАРАГАГЛАР - БОЛНICA ХАРАГАГЛАР</b>											
1	"Камчикавтойл" ИЙФУК	248,3	7 045 170	118	42	33	000	19 524 792,000	19 174 792,000	9 200 000,000	7 524 792,000
	Халкар охамнитдаги бүллар	126,0	7 045 171	118	42	33	100	18 824 792,000	18 824 792,000	9 000 000,000	7 424 792,000
	Давлат охамнитдаги бүллар	44,3	7 045 172	118	42	33	100	350 000,000	350 000,000	200 000,000	100 000,000
	Махалний охамнитдаги бүллар	78,0	7 045 173	118	42	33	100	350 000,000	350 000,000	200 000,000	100 000,000
	"Камчикавтойл" ИЙФУК бүнчэ жами	248,3						19 524 792,000	19 524 792,0	9 400 000,0	7 624 792,0
	Халкар охамнитдаги бүллар	126,0						18 824 792,000	18 824 792,0	9 000 000,0	7 424 792,0
	Давлат охамнитдаги бүллар	44,3						350 000,000	350 000,000	200 000,0	100 000,0
	Махалний охамнитдаги бүллар	78,0						350 000,000	350 000,000	200 000,0	100 000,0

Фойдаланиш ва техник холатини таҳлил килиш

И.Хожиев

"ТАСДИКЛАЙМАН"  
 "КАМЧИКАВТОЙУЛ" ИЙФУК  
 бош мухандиси



*Сайфет* О.Нематов

2022 й.

Махаллий ахамиятдаги 4К-791 "А-373 а/йулининг Янгибод ш-Сайёхлар", 4К-791Б "А-373 а/йулидан-Навгарзон кишлогига (115 км.), 4К-791 в "А-373 а/йулидан Октог массивига (137 км.), 4Н-712е "А-373 а/йулидан (137 км.дан) Ёрдамчи хужжаликка шахобча", 4Н-712ж "А-373 а/йулидан (120 км.) Тангатопди кишлогига шахобча", 4Н-712и "А-373 а/йилидан Серкакирилди кишлогишига шахобча", 4Н-712 "Олмалик-Облик-Кучбулук" автомобиль йулларида 2022 йил I-ЧОРАК учун бажариладиган КИШКИ КАРОВ ишлари

**СМЕТАСИ**

№	НАИМЕНОВАНИЕ ЗАТРАТ	Цена
		(тыс.сум)
1	ЗАТРАТЫ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ, ИЗДЕЛИЯ И КОНСТРУКЦИИ	53 858,000
2	ЗАТРАТЫ НА ОСНОВНУЮ ЗАРАБОТНУЮ ПЛАТУ С УЧЕТОМ НАЧИСЛЕНИЙ НА СОЦИАЛЬНОЕ СТРАХОВАНИЕ	73 444,000
3	ЗАТРАТЫ НА ЭКСПЛУАТАЦИЮ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ	117 508,027
	ИТОГО ПРЯМЫХ ЗАТРАТ	244 810,027
	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ПОДРЯДЧИКА 24,32 %	59 537,799
	И Т О Г О	304 347,826
	НДС 15 %	45 652,174
	И Т О Г О СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ	350 000,000

ИЧ ва РБ бошлиги

*С.Бабамирзаев*

АЙФ ва ККБ бош мутахассиси

*Б.Сайпиддинов*

Иктисадчи

*К.Пахириддинов*

2022 йил 24 январдаги «Қамчиқавтойўл» ИЙФУК ва “Қамчиқавтойўл”ИЙФУК ўртасида  
350 000 000 сўм умумий суммага тузилган 11-сонли шартномага  
ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ

Боб 118

Шахсий ғазна ҳисобварақ 304510860142197045173118001

(сўмда)

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури 7 045 173 (бюджет таснифининг тегишили коди)			Жами
	42 33 100	...	...	
Январь	200000000			200000000
Февраль	100000000			100000000
Март	50000000			50000000
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>350000000</b>			<b>350000000</b>

Жами 350 000 000 (Уч юз эллик миллион) сўм

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан \_\_\_\_\_ %  
20 \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.


(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига 40% жорий ойнинг 15 санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

**Буортмачи раҳбари**  
М.Ў.  
**Буортмачи бош бухгалтери**

Газначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди \_\_\_\_\_

  
(имзо)

**П.Турсунов**  
Ф.И.О.

**Ғ.Олимов**  
Ф.И.О.

Буортмачи ходими  
қабул қилди \_\_\_\_\_

20 \_\_\_\_ й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

## ХИЗМАТ КУРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

Камчик довони.

«24» январ 2022 йил

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Камчикавтойул» ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи корхона директори ўринбосари П.Турсунов бир томондан ва кейинги уринларда «Хизмат курсатувчи» деб юритиладиган «Камчикавтойул» ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи корхона бош муҳандиси О.Нематов иккинчи томондан Махаллий ахамиятдаги 4К-791 «А-373 а/йулининг Янгиобод ш-Сайёхлар», 4К-791б «А-373 а/йулидан-Навгарзор кишлогига (115 км), 4К-791 в «А-373 а/йулидан Октог массивига (137км). 4Н712е «А-373 а/йулидан (137 км дан) Ёрдачи хужаликка шахобча», 4Н712ж «А-373 а/йулидан (120км) Тангатопди кишлогига шахобча». 4Н712з «А-373 а/йулидан-Серқакирилди кишлогига шахобча», 4Н712и «А-373 а/йидан (137 км) Эртошсой кишлогига шахобча», 4Н722 «Олмалик-Облик-Кучбулок» автомобил йулларини кишки каров ишларини бажаришга доир мазкур Хизмат курсатишиш шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

**Ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга, тасдикланган харажатлар сметасига мувофиклиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асобоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган метериаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиковчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асобоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, кишки каров ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари, курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

**Курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Хизмат курсатувчига берилган йул участкаси, йул булими базаси ва шу йулга боялик барча йул элементлари хамда бошка бинолар киради;

**Беркитилган ишлар** – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**Шартнома нархини булиб чикиш** – ишларнинг хар бир боскичи ва ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш;

**Хизмат курсатувчи** – бевосита кишки каров ишларини олиб борувчи субъект.

### II. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

2. Хизмат курсатувчи мазкур шартнома буйича объектда кишки каров ишларини тасдикланган вактинчалик харажатлар сметасига биноан 2022 йил 1-чорагига ажратилган лимит доирасида бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Хизмат курсатувчи томонидан бажарилган кишки каров ишларини кабул килиш ва толовни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома буйича «Хизмат курсатувчи» томонидан бажариладиган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган холда амалдаги нархда **350 000 000 (Уч юз эллик миллион)** сўм, қўшилган қиймат солиги **45 652 174** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

Автомобил йулларини кишки каров ишлари кийматини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;

Ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

5. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Хизмат курсатувчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. ХИЗМАТ КУРСАТУВЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6. Мазкур шартнома буйича Хизмат курсатувчи куйидаги ишларни бажариш учун:

Кишки каров ишларини олиб бориш даврида ушбу йул кисмida йул ва йул иншоатлари элементларини соз холда саклайди, бузилишини олдини олади;

Узбекистон Республикасининг «Автомобил йуллари тугрисида»ги конунига Узбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Махкамасининг йулга таълукли карорларига ва бошка амалдаги мөйёрий ва хукукий хужжатларга тулик риоя этилган холда шартнома аосида кабул килиб олинган автомобил йулларида транспорт воситалари ва йоловчиларнинг кечаю-кундуз хавф-хатарсиз утишини таъминлашни;

Йул ва йул иншоатларини кишки каровда ижро хужжатларини расмийлаштириш ва Буюртмачига топширишда курилиш материалларининг мувофилик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

Барча ишларни мазкур шартномада хамда, унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмга бажариладиган ишларнинг сметасини ишлаб чикади ва белгиланган тартибда тасдиклатади ва шу смета аосида белгиланган муддатларда, узининг кучлари билан курилиш коидалари ва мөйёларига, белгиланган стандартларга амал килган холда сифатли килиб бажаради хамда ишни Буюртмачига ойма-ой мазкур шартларига мувофик топширади;

Йулга зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошка хом-ашёлар ва курилиш техникасини уз вактида хамда, зарур хажмларда етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва кишки каров ни амалга оширади;

Мазкур шартнома аосида Хизмат курсатаётган йулда техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни уз вактида ва тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

#### **V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устида доимий техник назоратни ва мазкур шартномада кайд этилган. Хизмат курсатувчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Хизмат курсатувчидан амалда килинган сарф-харажатларни ва бажарилган ишларни, амалдаги конунчилик хужжатларига мувофик равища кабул килиб олишни таъминлаш;

Хизмат курсатувчининг барча мурожаатларини 15 (ун беш) кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;

Зарур холатларда курилиш материаллари (асфальтобетон, цемент, темирбетон конструкциялари, кум, щебень, в.б) йул техникалари ва транспорт билан таъминлаши мумкин. Молиялаштириш жадвалига биноан Хизмат курсатувчига 2-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

## **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

8. Хизмат курсатувчи мазкур шартномада белгиланган ишларни 2022 йил 1 январдан бажаришга киришганлиги, Хизмат курсатувчи билан буюртмачи ўртасидаги муносабатлар олдин вужудга келганлиги сабабли, ишларни бажариш муддати 2022 йил 1 январдан бошланади деб хисобланади.

9. Мазкур шартнома буйича Хизматлар бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

10. Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

## **VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР**

10. Буюртмачи томонидан Хизмат курсатувчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш (2-илова) ва молиялаштириш (1-илова) жадваллари асос хисобланади.

11. Буюртмачи Хизмат курсатувчига шартнома буйича хар ойда режалаштирилган иш хажмининг 40 фоизигача микдорда аванс маблаги утказади.

12. Жорий молиялаштириш даврида ажратилган аванс маблагини хар ойда амалда бажарилган ишларни тулаш пайтида ушлаб колинади.

13. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 (уттиз) кун мобайнида бажармаган такдирда, Хизмат курсатувчи бу хақда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килинмаган булса шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

14. Буртмачи Хизмат курсатувчига топширган автомобиль уз вакилини – техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаетган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади шунингдек, Хизмат курсатувчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофикиниги текширади.

15. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир;

16. Техник кузатувчи Хизмат курсатувчи томонидан ишларни амалга ошириш чогида пайдо булувчи масалаларни хал килиш буйича йигилишларда иштирок этиш хукукига эга;

17. Хизмат курсатувчи уз фаолияти даврида Буюртмачининг вакилини (техник кузатувчини) вактинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йул кисмигача бориб келишига транспорт, иш жойи, лозим топилганда ёток жой (дала шароитида) таъминлашни уз зиммасига олади;

18. Хизмат курсатувчи бажарилган ишларнинг хажмларини, ижро хужжатларини, килинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириткирилган техник кузатувчи билан хар ойнинг 20 кунидан 25 кунигача йулнинг узида куриб чикиди ва тулик маълумотларни (белгиланган шакилларда ижро хужжатлари билан) кейинги ойнинг биринчи кунига кадар расмийлаштириб Буюртмачига топширади.

19. Хизмат курсатувчи хизмат курсатаётган автомобиль йулида умумий тартибни таъминлайди.

20. Хизмат курсатувчи шартнома даврида мазкур йул буйича кишки каров ишларининг ойма-ой бажарилишига, йулдаги ноконуний объектларга, йулни ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш ишларига, йул сиёсатини олиб боришга, йул экалогиясига, йул айби билан бөглик йул транспорт ходисасига йулни назорат килувчи органлар олдида жавобгардир.

21. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг хар бир тури (боскичи) буйича кабул килиб олиш уларнинг кейинги тур (боскич) ишлари бошлангунга кадар бажарилишига караб амалга оширилади. Ишларни куйидаги таркибдаги комиссия кабул килиб олади: Буюртмачининг вакили-техник назоратчи (раис), Хизмат курсатувчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур холларда), лойиха ташкилоти вакили (кутариб турувчи конструкцияларни кабул килиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни кабул килиб олиш натижалари урнатилган шакл буйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда кабул килинадиган ишларнинг лойиха, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиклик даражаси акс эттирилади, шунингдек кабул килинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага улчовлар кайдномаси ва лабаратория синовлари натижалари илова килинади (лозим топилганда).

22. Хизмат кузатувчи Буюртмачининг ишларини йул булими иш юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

23. Хизмат кузатувчи Хизмат курсатаётган автомобил йулининг техник холати, йулда содир этилаётган ходисалар, узгаришлар тугрисида хар кунлик тезкор хабарномани Буюртмачига факс (8-371 212-70-37) оркали етказади. Йулдаги тулик узгаришларни, харакат хавфсизлигини таъминлаш буйича хисоботни (22-курсаткични) хар ойнинг 25-кунига ёзма равишда Буюртмачига тақдим этади.

24. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу хакда хабардор килинмаган булса, ёки кечикиб хабардор килинган булса, у холда техник назоратчининг талаби буйича Хизмат курсатувчи беркитилган ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдур.

25. Хизмат курсатувчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар Хизмат курсатаётган йулнинг сифатига ва кийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

Йулда бажарилган ишларни ойма-ой кабул килиб олиш Буюртмачи ва Хизмат кузатувчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишлар ва килинган сарф-харажатлар тасдикланган сметага ва ажратилган лимитга мувофик белгиланган шаклда маълумотнома-хисоб-фактура билан, микдор ва киймат курсаткичлари хисоб-китоб жадвалида акс эттирилган холда белгиланган шакилда расмийлаштирилади.

26. Агар Буюртмачи Хизмат курсатувчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пурратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлиги аникланса, у холда Хизмат курсатувчи уз кучлари ва маблаглари хисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

27. Хизмат курсатувчи шартномага имзо чеккан вактдан бошлаб шартнома тугагунга кадар йул булимининг дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Хизмат курсатувчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, кунлик уртacha хаво харорати ва ёгингарчиликлар, шунингдек автомобил йулига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

28. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Хизмат курсатувчининг кайдаридан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.

29. Хизмат курсатувчи дафтарда Буюртмачи томонидан аосли равища курсатилган камчиликларни 5 (беш) кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

## IX. АВТОМОБИЛ ЙУЛЛАРИНИ КУРИКЛАШ

30. Хизмат кузатувчи шартномада курсатилган йулни, сунъий иншоотларни, йул элементларини, йулга тегишли дараҳтларни, гулларни, йул булими базасини, курилиш материалларни асбоб-ускуналарни, курилиш техникаси ва бошка мол-мулкларни зарур даражада курикланишини таъминлайди.

## X. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (Форс-Мажор) холатлари

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

32. Агар томонлар 2 (икки) ой ичидаги келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

## XII. КАФОЛАТЛАР

33. Хизмат курсатувчи:

барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

харажатлар сметаси ва жорий йилга ажратилган лимит доирасидан курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни сифатли бажаришни;

узи томонидан кишки каров учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда, техник шартларга мувофикалигини;

йуларни кишки каров ишлатиладиган мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига муофикалигини кафолатлади.

34. Агар Буюртмачининг вакили томонидан берилган курсатмалар (сифатсиз бажарилган ишлар) кейинги ойнинг охиригича бажарилмаса, нуксонлар аникланса у холда Хизмат курсатувчига бажарилган ишлари учун туланадиган маблагдан чегириб колиш хукукига эга;

35. Хизмат курсатувчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузища ёки имзолашдан бош тортган такдирда, уларни текшириб чикиш Узбекистон Республикаси Автомобил йуллари кумита томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича хужалик судига мурожат килишини истисно этмайди.

## XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин йулларни кишки каров ишларининг бошланиши Буюртмачига бояглиқ булмаган сабабларга кура Хизмат курсатувчи томонидан бир хафтадан куп вактга кечикирилганда:

Хизмат курсатувчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

37. Хизмат курсатувчи:

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмагандан:

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килишнинг талаб килиш хукукига эга.

38. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Хизмат курсатувчининг кушма карорига кура 15 кун муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Хизмат курсатувчига тулайди.

39. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

#### **XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

40. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди.

41. Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисида»ги Узбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида хамда, мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортилади.

42. Кишки каров ишларини олиб бораётган Хизмат курсатувчи ташкилот конунчиликка асосан ва шартномага мувофик Буюртмачи олдида куйидаги ишлар буйича мулкий жавобгардир.

Сифатсиз бажарилган ишлар ва хизматларга:

Узбекистон Республикаси Автомобил йуллари кумита, Буюртмачи, тегишли текширувчи органларнинг курсатмаларини белгиланган муддатда тугалланмаганлигига;

Йулдаги экологиянинг бузилишига:

кишки каров ишлари жараёнида назорат органлари томонидан аникланган конструкция ва ишлардаги йул куйилган камчиликлар ва нуксонларни бартараф этишни оркага суришга;

йулни кабул килинган пайтдаги холатига караганда хизмат курсатиш даврида йулнинг техник холати ёмонлашувига;

йул ва йул элементларининг асоссиз камайиб кетишига ва йуколишига;

шартномада кузда тутилган бошка мажбуриятларни бажармагани ёки тулаконли бажармаганлигига тулик мулкий жавобгардир.

43. Агар Хизмат курсатувчи ташкилот нуксонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи Хизмат курсатувчи хисобидан нуксонларни бартараф этиш хамда, нуксонларни уз вактида бартараф этилмаганлигидан келтирилган заарни ва бажарилган иш кийматини ундириш хукукига эга.

44. Агар Хизмат курсатувчи ташкилот мазкур шартномага асосан йул ва йул иншоотларини талаб даражасидай сакламаса ёки йулнинг айби билан содир этилган йул-транспорт ходисасига жавобгардир.

45. Хизмат курсатувчи томондан йул хавфсизлиги билан боялик курсатгичларни кишки каров ишларини уз вактида бажармаган булса, Хизмат курсатувчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,2 % микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг ўмумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган Хизматлар кийматининг 50%дан ошмаслиги лозим.

46. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вактида бартараф этилмагани учун Хизмат курсатувчи Буюртмачига муддати утказиб юборилмаган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,2% микдорида пеня

тулайди, бунда пеняниг умумий суммаси йиллик бажарилган ишлар кийматини 50%дан ошмаслиги керак.

47. Буюртмачи Хизмат курсатувчининг бажарилган ишлари хажмидан ёки молиявий хисоб-китоблардан аникланган камчиликлар натижасида Буюртмачига кайтариладиган маблаглар ва бошка туловлар буйича мажбуриятларини уз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблагларни молиялашириш учун ажратилган маблаглар хисобидан чегириб колиш хукукига эга.

## XV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

48. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этаолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хужалик суди томонидан куриб чикилади.

## XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

49. Хизмат курсатувчи Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, йулларни кишки каров ишларига ёрдамчи пудратчиларни жалб килиш хукукига эга эмас.

50. Буюртмачи билан Хизмат курсатувчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равища тасдикланади.

51. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кулланилади.

52. Мазкур шартнома газначиликда руйхатга олингандан кейин хакикий хисобланади.

53. Мазкур шартнома бир хилда юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилади.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«БЮОРТМАЧИ»

«ХИЗМАТ КУРСАТУВЧИ»

«Камчикавтойул» ИЙФУК

Манзил: Наманган в Поп т, Резак к.  
А-373 «Тошкент–Уш» а/й. 230-км.  
Тел: (71 212-70-51, 71 212-70-55)  
х/р 23 402 000 300 100 001 010  
банк: XKKM М.Б. Тошкент ш. Б.Б.  
м/х 304510860142197045173118001  
МФО: 000 14 ИИН: 201 122 919

«\_\_\_\_\_» 2022 й



П.Турсунов

М.П.

«Камчикавтойул» ИЙФУК

Манзил: Наманган в. Поп т, Резак к. А-373  
«Тошкент–Уш» а/й. 230-км.  
Тел: (71 212-70-51, 71 212-70-55)  
х/р: 22 626 000 004 804 740 025

банк: ТИФ Миллий банк Бектемир бул.  
МФО: 00930 ИИН: 301 341 872

«\_\_\_\_\_» 2022 й



О.Нематов

М.П.

ХУЛОСА

Мен уибу шартнома лойихасини амалдаги Ўзбекистон Республикасининг "Хўжатик юритувчи субъектлар фаoliyatiining шартномасини хуқуқий базаси тўғрисида"ги Конунга ва бошка хужжатлар асосида тузилганини кўриб чиқиб кўйидаги хулосаларни билдираман:  
-Мазкур битим Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 313.319.320 моддалари асосида тузилган бўлиб, тарафларнинг экавобгарлиги ва низоларнинг ҳал этиши тартиби Конун хужжатларни талабларига жавоб берини кўзда туттилган.  
Уибу шартномани тарафлар томонидан ишзоласа бўлади деб хисоблайман.

Хукукшунос: Р.Байтурсаев

Гувахнома (лицензия) № ЮОК 004760

2022 йил 24 январдаги 6-сонли хизмат күрсатыш  
шартномасыга  
1- илова

Махаллий ахамиятдаги 4К-791а, 4К-791б, 4К-791в, 4Н-12е, 4Н-12к, 4Н-721и, 4Н-722 автомобил йүлларини кишики каров ишлари учун 2022 йилда

**БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ**

булым	боб	парат	Иүл раками	Йулни номи	Йул булагы	2022 йилда											
						январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
7	045	173	A-373	"Тошкент-Ўш"	4Н-791	42	33	100	350 000,000	200 000,000	100 000,000	50 000,000					
									0,000								
				Жами:					350 000,000	200 000,000	100 000,000	50 000,000	0,000	0,00	0,0	0,0	0,000
																	0,000



2022 ийл 24 январдаи 6-сонли хизмат күрсатиш  
шартномасыга  
2-илюва

Махаллий ахамиятдаги 4К-791а,4К-791б,4К-791в,4Н712е,4Н712ж,4Н712з,4Н721и,4Н722 автомобил йулларини кишики каров ишләри учун 2022 йилда

### МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

Булим	Боб	нараг	Мул раками	Йулни номи	Булаги	Жул	2022 йилда						
							январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль
7	045	173	A-373	"Тошкент-Уш"	4Р-237	42	33	100	350 000,000	200 000,000	50 000,000		
									0,000				
				Жами:					350 000,000	200 000,000	100 000,000	50 000,000	0,000
										0,0	0,0	0,0	0,000
													0,000



Еңбекчі

"Хизмат күрсагүчі"



Жадваган

"Хизмат күрсагүчі"